

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

94 Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида

1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (ҚХРХЖ)ни ташкил қилиш тўғрисидаги Битимга (Рим, 1976 йил 13 июнь) қуйидаги изох билан қўшилисин:

«Битимнинг 13-моддаси 4-бўлимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Битим 11-моддаси 2-бўлимининг қоидалари билан ўзини боғлиқ эмас деб ҳисоблашини билдиради».

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Котибиятига Ўзбекистон Республикаси ушбу халқаро шартномага қўшилгани тўғрисида билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ўзбекистон Республикасидан ҚХРХЖ Бошқарувчилар Кенгашига Бошқарувчи сифатида, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг мутасадди ўринбосари Бошқарувчи ўринбосари сифатида белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли ва-

зирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 март,
ПҚ-1310-сон